
Данғара тумани 1-умумий ўрта таълим мактабида кўргазмали семинар ташкил этилди.

Данғара тумани 1-умумий ўрта таълим мактабида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ижтимоий соҳа объектларининг иситиш тизимларини давлат-хусусий шериклик асосида модернизация қилиш тўғрисида ” ги ПҚ-118-сонли қарори ижроси юзасидан кўргазмали семинар ташкил этилди.

Семинарда туман ҳоқими, сектор раҳбарлари, мактаб ва мактабгача таълими бўлими бошлиғи, тумандаги барча умумий ўрта таълим мактабларининг хўжалик мудирлари ва ўт ёқувчилари иштирок этди.

Семинар давомида иситиш тизимларининг ишлатиш функциялари ҳақида тўлиқ маълумот бериб ўтилди. Иситиш тизимлари учун талаб этиладиган кўмир ва бошқа ёқилғи маҳсулотларидан самарали фойдаланиш, ноқонуний олди сотди ишларининг жавобгарлиги ҳақида тўхтилиб ўтилди.

Шунингдек, 15 ноябрдан 15 декабрга қадар “Ёнғин хавфсизлиги ойлиги” доирасида юзага келиши мумкин бўлган ноҳуш ҳолатларни олдини олиш юзасидан тавсиялар бирилди.

2023-11-27 10:58:57